



Тасдиқлайман

Марказ директори

Т.А.Турдиев

«8» ноябр 2022 йил

Республика Пахталикўл Фтизиатрия ва пульмонология тиббий реабилитация марказида даволанаётган беморларга 2022 йил 1-ноябрдан 31 декабргача кунлик санитария жихатдан сифатли тайёр пархез озиқ овқат махсулотини таёрлаб бериш ишларини амалга ошириш учун кўзда тутилган харожатлар тўғрисида

ТЕХНИК ТОПШИРИҚЛАР

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Республика Пахталикўл фтизиатрия ва пулмонология тиббий реабилитация марказида даволанаётган беморларга Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 1993 йил 22 март кундаги 122-сонли буйруғига асосан тайёрланадиган пархез таомларни тайёрлаш учун АУТСОРСИНГ хизмати ташкил этиш ишлари.
2	Буюртмачи	Республика Пахталикўл фтизиатрия ва пулмонология тиббий реабилитация маркази
3	Буюртма учун асос	Бюджет маблағ ҳисобдан харожатлар сметасида кўрсатилган маблағ ҳисобига
4	Объектнинг, жойлашган урни	Наманган вилояти Янги Наманган тумани Ишонч МФЙ Пахталикўл кўча №1 уй
5	Катнашувчилар учун талаблар	Марказида даволанаётган беморларга Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 1993 йил 22 март кундаги 122-сонли буйруғига асосан тайёрланадиган пархез таомларни тайёрлаш учун АУТСОРСИНГ хизмати ташкил этишни тўлиқ кафолатлайди.
6	Бажарилган ишлар ҳисоб китоби	Хизмати кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варакаларга асосан икки томон ўртасида узаро тасдиқлангандан сўнг пул ўтказиш йули билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан 544 500 000 (Беш юз қирқ тўрт миллион беш юз минг) сум.
7	Иш тури	Марказда даволанаётган беморларга Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 1993 йил 22 март кундаги 122-сонли буйруғига асосан тайёрланадиган пархез таомларни тайёрлаш учун АУТСОРСИНГ хизмати ташкил этиш
8	Ишни бажариш муддати	Шартнома тасдиқлангандан сўнг икки ой муддатда ўтказиб берилади.
9	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тўла риоя қилиши шарт
10	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағ ҳисобдан харожатлар сметасида кўрсатилган маблағ ҳисобига
11	Бажариладиган ишлар киймати	544 500 000 сум

Марказ бош ҳисобчиси

Иқтисодчи

Л.Ю.Жураев

А.Эшанов



Тасдиқлайман
Марказ директори *Т.А.Турдиев*

«8» ноябр 2022 йил

БУЮРТМАЧИ

Республика Пахталикўл фтизиатрия ва пулмонология тиббий реабилитация марказида даволанаётган беморларга Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 1993 йил 22 март кунидаги 122-сонли буйруғига асосан тайёрланадиган пархез таомларни тайёрлаш учун **АУТСОРСИНГ** хизмати ташкил этиш ишлари учун энг яхши таклифлар танлаб олиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Наманган 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни :
Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №9 684-сонли Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаридлари тўғрисидаги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг "Ҳарид тартиб-тамомийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Республика Пахталикўл фтизиатрия ва пулмонология тиббий реабилитация марказида даволанаётган беморларга соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 1993 йил 22 март кундаги 122-сонли буйруғига асосан тайёрланадиган пархез таомларни тайёрлаш учун **АУТСОРСИНГ** хизмати ташкил этиш ишлар учун хизмат курсатувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2 Танловнинг охириги киймати - 544 500 000 сум,

Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ёлиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 50 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Республика Пахталикўл фтизиатрия ва пулмонология тиббий реабилитация маркази (бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили. Почта манзили 160141, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Янги Наманган тумани, Ишонч МФЙ, Пахталикўл кўча, 1-уй.

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов ЎЗРТХАБ **etender.uzex.uz** платформасида "Буюртмачи" томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Соғлиқни сақлаш Вазирлигини 1993 йил 22 март кундаги 122-сонли буйруғига асосан шифохона даволанаётган беморларга тайёрланадиган пархез таомларни тайёрлашдаги танлов иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади.

1. Аутсорсинг хизмати бўйича камида бир ойлик шартнома суммасига тенг банкдаги айланма маблағлари ҳамда картотекаси тугрисида маълумотнома.
2. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги .
3. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.
4. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

5. Танловда қатнашувчи корхона гувоҳномаси ва низоми озиқ-овқат махсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш ҳамда аутсорсинг хизмати буйича ошхона хизматини ташкил этиш алоҳида курсатилган булиши керак.
6. Малакали ходимлари разряди тоифали булиши керак, ошпазлар ҳақида Маълумот. (қаида 20 та ошпаз ва ишчилари бор бўлиши қаида бир йил давомида шу йуналишда ишлаган булиши).
7. Давогар аутсорсинг хизмати шу йуналишда беморлар учун иссик овқат етказиб бериш фаолиятини олиб борганлиги ҳамда тиббиёт йуналишида тажрибага эга булиши (қаида бир йил)
8. Шифохонада сил касалликлари билан касалланган беморлар булганлиги сабабли озиқ-овқат махсулортлари сифатли булиши ҳамда каллорияси 3000-3500 кк/каль оралиғида бўлиши ҳисобга олиниши керак меню техноменю асосида тузилган булиши.
9. Моддий техника баъзаси буйича маълумот
10. Озик овқат захираси буйича маълумот сакланаётган жойдан маълумот.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.